БУГУНГИ СОНДА:

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг **РЕЙТИНГИ НИМА?**



2-бет

Сариосиё туманида Ёшлар боғи иш бошлади



3-бет

Таълимга берилган бугунги эътибор, келажакка қўйилган тамал тошидир



4-бет

Янги Ўзбекистон: сурат ва сийрат уйғунлиги



6-бет


# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№ 26 (579)
2022 йил 12 апрель, сешанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# ТРАНСПОРТ ВА КОММУНАЛ СОҲАЛАРДАГИ ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни транспорт ва коммунал соҳалардаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиз ривожланганиʼ сари фуқаролар ҳаракатчанлиги, халқаро алоқалар кўлами ҳам ошиб бормоқда. Бу талабга мос равишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги қарорига мувофиқ, "Uzbekistan Airways" ва "Uzbekistan Airports" акциядорлик жамиятлари трансформация қилинмоқда.

2021 йил якунлари бўйича юртимиз аэропортлари орқали 5 миллион 400 минг йўловчи ва 82 минг тонна юк ташилган, хорижий авиакомпанияларга хизмат кўрсатиш ҳажми ошган. Харажатларни мақбуллаштириш бўйича кўрилган чоралар натижасида барча аэропортларнинг молиявий кўрсаткичлари яхшиланган.

Шу билан бирга, Самарқанд халқаро аэропорти янгидан қурилиб, ишга туширилди. Тошкент халқаро аэропортининг 2-терминали реконструкция қилиниб, ўтказиш қуввати 2 баробар оширилди. Қарши аэропортининг учиш зали янгиланди.

Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида мамлакатимиз аэропортларини 2035 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган.

Тақдимотда ушбу стратегияни 2026 йилгача амалга ошириш дастури муҳокама қилинди.

Бунда аэропортларни ихтисослаштириш, жумладан, Тошкент аэропортини халқаро хаб, Навоий аэропортини юк ташиш хаби, Самарқанд ва Бухоро аэропортларини туризм хабларига айлантириш кўзда тутилган.

Тошкент халқаро аэропортини модернизация қилиш орқали йўловчиларни ўтказиш қувватини соатига 2 минг 400 нафарга ошириш, рўйхатдан ўтиш, паспорт назорати ва самолётга чиқиш йўлакларини кўпайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт ходимларининг дунёқараши ва малакасини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, Фарғона водийсидаги учта – Андижон, Наманган ва Фарғона аэропортлари шаҳарлар ичида жойлашгани ва атрофи бино-иншоотлар билан зич ўралгани сабабли уларни кенгайтириш имконияти чекланган. Шу боис учта вилоятнинг ўртасида янги халқаро аэропорт қуриш таклиф этилмоқда.

"Тошкент – Шарқий" аэропортининг бош режаси ҳам муҳокама қилинди. Бухоро ва Урганч аэропортларида янги йўловчи терминаллари қуриш, шунингдек, ҳудудлараро лоукостер авиакомпанияси фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз аэропортларда хизматларни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, нархларнинг оммабоплигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда иссиқлик таъминоти тизимини янгилаш ва қамровини оширишга оид режалар ҳам кўриб чиқилди.

Охирги тўрт йилда ҳудудларда 47 та қозонхона қурилиб, қарийб 80 километр тармоқ ётқизилгани қайд этилди.

2022-2026 йилларда яна 172 та қозонхона ва 482 километр тармоқни янгидан қуриш, 109 та қозонхона ва 543 километр тармоқни модернизация қилиш кўзда тутилган. Буларнинг натижасида марказлашган иссиқлик таъминоти билан қамраб олиш даражаси ҳозирги 52 фоиздан 66 фоизга етади.

Айрим қозонхоналарда когенерацион газ турбинасини ўрнатиш орқали электр энергияси ҳам ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Давлатимиз раҳбари иссиқлик ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тизимини рақамлаштириш, соҳада давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**





# ПОЙТАХТДАГИ УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ПРЕЗИДЕНТ НИГОҲИДА






**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Қадим замонларда ҳам подшоҳлар баъзан ошкор, баъзан пинҳона юрт кезишни одат қилишган. Одил шоҳлар халқ орасида юриб, уларнинг фикрлари, муаммо ва камчиликлари билан яқиндан танишган. Шунга қараб, мамлакатдаги вазиятдан бохабар бўлиб, чора кўришган.**

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ҳам халқ орасида юриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва янгиланишлардан доимий равишда бохабар бўлиб боришни одатга айлантирган. Айниқса, тобора чирой очиб бораётган мафтункор пойтахтимиздаги ҳар бир бунёдкорлик ва маҳаллалардаги ободонлаштириш ишлари президентимизнинг доимий эътиборида.

Илк манзил – Ислом цивилизацияси маркази бўлди.

2018 йил 15 июнь, Рамазон ҳайити куни Президентимиз Ислом цивилизацияси маркази пойдеворига тамал тоши қўйган эди. Бугунги муборак Рамазон кунларида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага яна ташриф буюрди. Бу марказ ҳам маҳобати, ҳам моҳияти жиҳатидан улкан лойиҳа. Унинг қурилиши қарийб тўрт йилдирки давом этяпти. Мажмуа уч қаватли бўлиб, қадимий обидаларимиз шаклида барпо этилган. Бино марказида улкан гумбаз, тўрт томонида симметрик пештоқлар қурилган.

Айни пайтда мажмуада пардозлаш ишлари олиб борилиб, пардозлашда қадимий мадрасаларимиздаги белгилар ва иссиқ ранглардан кенг фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбари мажмуани чиройли ва сифатли қилиб қуриш билан бирга мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

– Бугун, муборак Рамазон ойида, жума кунида бу ерга келишимиз бежиз эмас. Бундай улуғ айём кунларида қилинган ниятлар амалга ошади. Охирги йилларда оғир-оғир синовлардан ўтдик. Лекин бу ерда иш тўхтагани йўқ. Нима учун буни қураяпмиз? Халқимизнинг дунёқарашини, ғururини кўтариш, қандай буюк эл эканимизни ашёвий далиллар билан намоён этиш учун. Ўтган йили Қашқадарёда "Ўзбекистон GTL" заводини очиб, бутун дунёга мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини кўрсатдик. Ислом цивилизацияси маркази ҳам халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади, – дея таъкидлади Президент.

2-бет

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
## 2022 йилни қандай бошлади?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Маълумки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳаётга татбиқ этилганди. Мазкур беш йўналишда олиб борилган ислоҳотларда қурилиш тармоғининг ҳам ўз ўрни бор. Жорий йилдан эътиборан Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Бу борада қурилиш соҳаси 2022 йилни қандай бошлади? Қуйида шу саволларга жавоб оламиз.**

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг январь-февраль ойларида мамлакатимизда бино ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишларининг улуши 11,6 фоизни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврдаги кўрсаткичга нисбатан 3,7 фоизга кўпайди. Ушбу фаолият турида кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келган улуш 2021 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан 2,5 фоизга камайиб, 62,5 фоизни ташкил этди. Норасмий секторнинг улуши эса 2021 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан 1,2 фоизга камайиб, 25,9 фоизни ташкил этди.



2-бет

# МАМЛАКАТИМИЗДА
## цемент ва темир-бетон ишлаб чиқариш қай даражада?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Ўзсаноатқурилиш-материаллари" уюшмаси томонидан ўтказилган навбатдаги брифинг мамлакатимизда цемент ва темир-бетон ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланди.**

Уюшма томонидан қурилишнинг асоси бўлган цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 31 та корхона мавжуд бўлиб, 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш бўйича қувватлар 21,3 миллион тоннага етказилди. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йилда Республика бўйича 14,2 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. Эътиборлиси, энг кўп цемент мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналардан бири "Қизилқумцемент" АЖ томонидан тайёрланган. Бу ерда ўтган йили 3 млн 666 минг тонна маҳсулот харидорларга етказилган.

2021 йилда янги қувватлар билан фаолиятини бошлаган Тошкент вилоятида жойлашган "Оҳангаронцемент" АЖда эса 2,1 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. "Олмалиқ Тоғ-кон металлургия комбинати" АЖга қарашли Шеробод цемент заводидан 1,4 млн тонна, Жиззах цемент заводидан эса 850 минг тонна маҳсулот қурилиш майдонларига етказилган.

2-бет

# ПОЙТАХТДАГИ УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ПРЕЗИДЕНТ НИГОҲИДА

1-бет



Суратлар president.uz сайтидан олинди.

Давлатимиз раҳбари деворлардаги равоқларнинг безак ва ёзувлари намуналарини кўздан кечириб, дарвозалар тепасига тинчлик, илм ва одобга чорловчи оятлардан ёзиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ислом цивилизацияси марказининг таркибий қисмлари тўғрисида маълумот берилди. Биринчи қаватда музей омбори, қадимий қўлёзма ва осори атиқаларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш хоналари, нашриёт ва китоб дўконлари жойлашади. Иккинчи қават мажмуанинг асосий кўргазма майдони бўлади. Бу ердаги Ислом тарихи музейи 9 та бўлимдан ташкил топади. Бинонинг марказида, 65 метр баландликдаги гумбаз остида Ислом оламининг дурдонаси ҳисобланган Усмон мусҳафи қўйилади. Бу зал атрофида яна 8 та – "Исломдан аввалги даврда Марказий Осиё", "Исломнинг Марказий Осиёга ёйилиши", "Таълим", "Илм-фан", "Меъморчилик ва шаҳарсозлик", "Санъат ва бадиий ҳунармандчилик", "Анъаналар" ҳамда "Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон" бўлимлари жойлашади. Шунингдек, бу қаватда 550 кишига мўлжалланган конференция зали ҳам бўлади. Марказнинг "Илм-фан" бўлимини кўздан кечирган юртбошимиз аллома боболаримиз меросини кенг ва таъсирчан тарғиб этиш бўйича ўз тавсияларини берди.

Пойтахт бўйлаб сайрнинг кейинги манзили – Олмазор туманидаги Университет маҳалласи бўлди.

Ижтимоий дастурларни маҳаллабай амалга ошириш давлатимиз раҳбарининг энг асосий талаби. Университет маҳалласида ҳам иш шундай ташкил этилган. Фуқаролар йиғини биноси замонавий таъмирланган. Уйлар ҳовлиси, майдончалар обод қилиниб, ички йўллар бетон билан текисланган, 700 метр узунликдаги велосипед йўлаклари қурилган.

Ўтган йили ноябрда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси эълон қилинганидан хабарингиз бор. Давлатимиз раҳбари бу жараёнда дарахт кўчатлари экиш билан бирга маҳаллаларда ишкомли кўчалар ташкил қилиш зарурлигини айтган эди. Шунга мувофиқ, Университет маҳалласида 750 метр узунликдаги ишкомлар ўрнатилиб, узумлар экилган. Кўп қаватли уйлар олдидаги майдонларга райҳон, намозшомгул каби гуллар экилган.

Университет маҳалласида 4 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. 19 та кўп қаватли уйнинг қиёфаси, йўлаклари яхшиланди. Бу ерда 150 ўринли хусусий мактаб ҳам бор. Ўндан ортиқ кичик бизнес корхонасида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Президентимиз маҳаллада бажарилган ишларни ҳам кўздан кечириб, маҳалла фаоллари ва нуронийлар билан суҳбатлашди.

– Сизларни аввало, Рамазон ойи билан, маҳаллангиз шундай обод бўлгани билан табриклайман. Бу салгина ҳаракат қилса, раҳбарлар пастга тушиб ишласа, натижа бўлишининг бир мисоли. Илгари маҳалланинг номи бор эди, ҳоким хуши келса, гаплашарди. Ҳозир ҳамма тизимни маҳаллада мужассам қилаяпмиз. Нима учун? Ҳар бир оилага, ҳар бир инсонга етиб бориш учун. Бундай ишлар ҳамма маҳаллада тезроқ бўлишини истардим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили Тошкент шаҳридаги 579 та маҳаллага 2 миллиард сўмдан берилган эди. Бу йил ҳар бирига 1 миллиард сўмдан ажратилиши маълум қилинди.

Шундан сўнг, президентимиз маҳалладаги "Олмазор холдинг гранд" бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди.

Кўп жойларда бўлгани каби Университет маҳалласида ҳам коммунал хизмат кўрсатишда муаммолар бор эди. 2021 йил 19 июнда Ўзбекистон Президентининг "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. "Олмазор холдинг гранд" компанияси ушбу имкониятлар натижасида ташкил топди. Унинг икки қаватли биносида шинам шароитлар яратилган. Компания 7 маҳалладаги 103 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Илгари бу уйларга 27 та ширкат қараган. Уларда директордан бошқа мутахассис, махсус техника бўлмаган. Ҳозир сервис компаниясида 70 та доимий иш ўрни яратилган. Махсус техникалар сотиб олинган. Компания биносида коммунал хизматлар бўйича ўқув маркази ҳам очилган. Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида "Менинг уйим" мобиль иловаси жорий этилган.

Бундан ташқари, бошқарув компанияси биносидаги қўшимча хоналар ҳамда кўп қаватли уйларнинг ертўласида 30 га яқин маиший хизматлар ташкил этилган. Президентимиз ушбу шохобчаларни ҳам кириб кўрди. Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида ташкил этиладиган бошқарув сервис компаниялари бўйича тақдимот ўтказилди.

Юртбошимизнинг кейинги манзили – пойтахтимиздаги 102-сонли эшитиши заиф болалар учун мактаб-интернати бўлди. Муассасага ташриф буюрган давлатимиз раҳбари тарбияланувчилар ва педагоглар билан самимий суҳбатлашди.

Ушбу таълим муассасаси 1966 йилда ташкил этилган бўлиб, 2016 йилда капитал таъмирланган. Айни пайтда бу ерда 221 нафар ўқувчи тарбияланади. Уларга олий маълумотли дефектолог ва тарбиячилар сабоқ бермоқда. Ўтган йили 21 нафар битирувчидан 3 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. Мактаб-интернатда 4 та ўқув биноси, 280 ўринли ётоқхона, ошхона, кутубхона, спорт зали, фаоллар зали мавжуд.

Тарбияланувчиларнинг машғулот жараёнларини кўздан кечирган юртбошимиз Тошкент шаҳар ҳокимлигига мактаб-интернатнинг ошхонаси ва технология хоналарини таъмирлаш, спорт комплекси ва ишлаб чиқариш устахонаси ташкил этиш бўйича топшириқ берди. Халқ таълими вазирлигига "Замин" жамғармаси билан бирга 2 минг 600 дан зиёд заиф эшитувчи болаларни тиббий текширувдан ўтказиб, уларни эшитиш мосламалари билан таъминлаш, эшитиш қобилияти тикланган болаларни босқичма-босқич умумтаълим мактабларига ўтказиш вазифаси қўйилди.

Раҳбарларга доимо эл орасида бўлиб, улар билан ҳамнафас ишлаш кераклигини таъкидлайдиган ва бу борада ҳақиқий ўрнак бўлган юртбошимизнинг пойтахт бўйлаб саёҳати ҳали кўп давом этади. Зеро, улкан ўзгаришлар оғушидаги пойтахтдаги шиддатли ҳаёт янгиланишдан асло тўхтамайди.



# Қурилиш-пудрат ташкилотларининг РЕЙТИНГИ НИМА?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**– Илтимос, ташкилотимиз рейтинг тизимига кирган-кирмаганлигини аниқлаб берсангиз.**

**– Марҳамат!**

**Бугун сониялар ичида ташкилот рейтинг тизимига киритилганми ёки чиқарилганми, қайси тоифадаги ташкилот сифатида қайд этилган ва бошқа шу каби муҳим маълумотларга эга бўлиш имкони мавжуд.**

**Аслида рейтинг тизими нима, у қачондан жорий этила бошланди? Унга киришнинг тартиб ва шартлари қандай? Тизимнинг афзалликлари нималардан иборат? Газетамиз муштарийлари асосан, қурилиш соҳаси ходимлари бўлгани боис, бу ҳақда уларга қисқа ва тушунарли тарзда маълумот беришни маъқул топдик.**

## Қурилиш ташкилотлари рейтинг кўрсаткичлари нима учун керак?

Рейтинглар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг инновацион фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, ходимларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари учун қурилиш-монтаж ва лойиҳа ишлари сифатини соҳалар бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлардаги даражага олиб чиқишга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги қарори ижроси юзасидан, Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида Қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинги шакллантирилиб, бугунги кунда юритилмоқда. Рейтингни юритишда инсон омилини қисқартириш ҳамда сифатини ошириш мақсадида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига зарур бўлган маълумотларни сақловчи ахборот-дастурлари тегишли вазирлик ва идоралар билан тўлиқ интеграция қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 699-сон қарори билан Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Мазкур Низомнинг 4-иловасида Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш мезонлари белгилаб берилган. Унга мувофиқ, тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлари асосида Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш учун 60 та кўрсаткич белгилаб берилган эди.

– Ушбу кўрсаткичлар асосида шакллантирилган рейтингда 2021 йилда бир қанча муаммо ва камчиликларга дуч келдик, – деди Пудрат бозори ва қурилиш индустриясини ривожлантириш ҳамда рейтинг юритиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қобилжон Қурбонов. – Жумладан, рейтингда белгиланган 60 та кўрсаткичнинг 13 таси бўйича маълумотлар манбаси, яъни, ишончли маълумотлар олиш имкони бўлмаганлиги сабабли рейтингда шаффоф баҳо бериш имкони бўлмади. Шу сабабли, 60 та кўрсаткич Қурилиш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилган ҳолда 39 тага қисқартириш бўйича асосланган таклиф ишлаб чиқилди. Бу таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 64-сон қарори билан тасдиқланди.

Ҳозирда мазкур қарорга мувофиқ, 2021 йилнинг йиллик маълумотларига асосан, рейтингга жами 20 284 та ташкилот киритилган бўлиб, ташкилотлар ихтисослашуви бўйича тоифаларга бўлинган ҳолда соҳавий йўналишлар бўйича баҳоланди. Бунда:

– умумқурилиш ва ижтимоий объектлар қурилиши бўйича – 18 405 та;

– автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар ва темир йўллар қурилиши бўйича – 1 039 та;

– мелиорация ва ирригация объектлари қурилиши бўйича – 840 та ташкилот фаолияти баҳоланган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги рейтинг мезонларига мувофиқ, 30 мингдан зиёд корхонанинг асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари ва хизматлари бўлмаганлиги сабабли, рейтинг тизимидан чиқиб кетган.

Шунингдек, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини юритиш дастури "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграцияланган бўлиб, унга киритиладиган маълумотлар барча учун очиқдир. Истаган киши ушбу порталга кириб, ташкилотнинг 9 хонадан иборат СТИР рақамини киритган ҳолда рейтинг натижалари билан танишиши мумкин бўлади.

Қурилиш-пудрат ташкилотлари Рейтинг натижалари асосида **"A", "B", "C", "D"** ишончлилик тоифаси асосида баҳоланиб, ишонч даражаси 1, 2 ва 3 даражада белгиланади.

Бунда, ташкилотнинг ишончлилик даражаси 85-100 фоиз оралиғида баҳоланса, ишонч даражаси 1-юқори даража берилади ва **"AAA"** белгиси қўйилади. Агар пудратчининг олган баҳолари 75-85 фоиз оралиғига тўғри келса, 2-юқори даражага эга бўлади ва унга **"AA"** рейтинг баҳоси берилади. Агар кўрсаткичлар 65 фоиздан кам бўлса, 3-юқори даража берилиб, **"A"** белгиси қўйилади.

Баҳолашда **"B"** ўрта даражани билдириб, ташкилотнинг иши ишончлилик даражаси 55-65 фоиз оралиғида баҳоланса, 1-даража – **"BBB"** белгиси берилади. Шунингдек, 35-55 фоиз оралиғидаги кўрсаткичларга иккинчи ва учунчи ўрта даража баҳо берилади.

**"C"** қониқарли даража ҳисобланса, **"D"** белгиси қуйи даражани кўрсатади. 5-20 фоиз оралиғидаги кўрсаткичлар **"D"** белгисининг қўйилишига асос бўлади.

**Ташкилотлар рейтинги тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотлари асосида қуйидагича баҳоланмоқда:**

Давлат солиқ қўмитаси – 45 балл;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги – 18 балл;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси – 13 балл;

Давлат статистика қўмитаси – 10 балл;

Ички ишлар вазирлиги – 5 балл;

"Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси – 5 балл;

"Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш" агентлиги – 4 балл.

Қурилиш вазирлиги томонидан истиқболда қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини аниқлаш мезонларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-43-сон қарори билан тасдиқланган Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби билан келишган ҳолда киритилиши белгиланди.

# ҚУРИЛИШ СОҲАСИ
## 2022 йилни қандай бошлади?

1-бет

Шунингдек, 2022 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган қурилиш ишлари таркибида йирик қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажмининг улуши 2021 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан 4,8 фоизга кўпайди ва 14,6 фоизни ташкил этди. Қолган 85,4 фоизи кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келиб, 2021 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан 4,8 фоизга камайди.

2022 йилнинг илк икки ойида Ўзбекистон Республикасида янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш ишлари ҳажмида норасмий сектор ҳиссаси 1891,5 миллиард сўм ёки уларнинг жамига нисбатан улуши 23,1 фоизни ташкил этди. Ўз ўрнида, жорий йилнинг дастлабки икки ойида кичик корхона ва микрофирмалар бўйича янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш, техник қайта қуроллантириш ишлари ҳисобидан 4986,4 миллиард сўм ёки жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг янги қурилиш ишларидаги улуши 61,0 фоизни ташкил этди.

Албатта, тараққий этган қурилиш анъаналарисиз ижтимоий ривожланишда натижа кўрсатиб бўлмайди. Жорий йилдан эътиборан реализацияси бошланган Тараққиёт стратегиясида аҳолининг ҳаёт даражасини юксалтириш бевосита қурилиш соҳаси билан узвий боғланган. Бу жараёнлар эса, миллий ривожланишга асосланган кейинги беш йилликда ҳам мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик жараёнларининг босқичма-босқич ўсиб боришини ифодалайди.

# МАМЛАКАТИМИЗДА
## цемент ва темир-бетон ишлаб чиқариш қай даражада?

1-бет



Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,6 млн тонна бўлган "Бекободцемент" АЖ томонидан йил давомида 968,2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган. Сермаҳсуллик бўйича Жиззах вилоятида ўз фаолиятини бошлаган "Хуакцин цемент Жиззах" МЧЖ ҳам қолишмайди. Корхонада ҳисобот даврида 1,6 млн тонна цемент тайёрланган.

– Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда мавжуд корхоналар томонидан 17,6 млн тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган, – дейди уюшма матбуот котиби Жамшид Шерметов. – Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини 31 млн тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Январь-апрель ойларида саноат корхоналари томонидан 2,9 млн тонна цемент тайёрланган. Эътиборлиси, маҳаллий корхоналар томонидан асосан, 400 ва 500 маркадаги цемент ишлаб чиқарилган. 1-чоракда биржа савдоларида бир тонна портленд цемент ўртача 555 минг сўмдан сотилган.

Мамлакатимизда қурилиш кўлами кенгайиб бораётгани туфайли йилдан-йилга қуйма ва темир-бетонларга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда **706 та** темир-бетон корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати **6,5 млн куб метр**ни ташкил этади. Ушбу йўналишда энг йирик корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган.

Брифингда маълумот берилишича, республикада энг йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхона бу "Binokor temir-beton servis" МЧЖ экан. Бу ерда йилига 411 минг 250 куб метр қуйма, 107 минг 880 куб метр темир-бетон маҳсулотлари тайёрланади. Кейинги ўринда Тошкент вилоятидаги "Mobile beton service" МЧЖ ҳисобланади. Корхона йилига 365 минг куб метр қуйма бетон тайёрлаш имкониятига эга. Пойтахтимиздаги "Durable beton" МЧЖ ҳам ушбу йўналишда энг илғорлардан бири саналади. Мазкур корхона томонидан ҳар йили 250 минг куб метр қуйма бетонлар қурилиш майдонларига етказиб берилмоқда. Шунингдек, ҳудудда "Saffir qurilish montaj" МЧЖ, "Betonovat" МЧЖ, "RWS optimum" МЧЖ ХК, "Chilonzor beton savdo" МЧЖ каби замонавий темир-бетон корхоналари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган "KKRASI beton" ХК ҳам ушбу йўналишда энг кўзга кўринган ишлаб чиқариш масканларидан бири. Бу ерда йилига 94,4 минг куб метр темир-бетон тайёрланади.

Қурилиш сифати ва кўлами бевосита қурилиш материалларига боғлиқ. Демак, кенг кўламдаги бунёдкорликлар амалга оширилаётган юртимизда келгусида ҳам яна кўплаб иншоотлар сифатли қурилиш материаллари эвазига барпо этилиши шубҳасиз.

# Назорат – сифат гарови

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бу йил ҳам Наманган вилоятида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилади. Инвестиция дастури доирасида 728 миллиард сўмдан зиёд маблағни ўзлаштириш зарур. Албатта, ҳар бир объектни сифатли қилиб қуриш, лойиҳалардан чекинмаслик катта аҳамиятга эга. Бу борада қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини, ҳар бир объектда олиб борилаётган ишларининг сифатини назорат қилиб бориш катта аҳамият касб этади.**

– Маблағ ва меҳнат сарфлангандан кейин бунёд этилган ҳар бир бино ёки иншоот халққа узоқ йиллар хизмат қилиши керак, – деди вилоят Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Абдураҳматов. – Жамоамизнинг фаолияти айнан мана шу масалага қаратилган. Шунинг учун объектларда аввалдан тузилган жадвал асосида текширишлар ўтказиб борамиз. Аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш учун зарур кўрсатмалар берамиз.

Шунинг учун инспекция мутахассислари ҳар бир объектдаги ҳолатни доимий назорат қилиб бормоқда. Масалан, йилнинг биринчи чорагида Наманган шаҳрининг "Тараққиёт" маҳалласидаги 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 44-умумтаълим мактаби учун спорт зал, "Келажак тонги"даги 660 ўринли мактаб, вилоят қўғирчоқ театри қурилишларидаги аҳвол ўрганилди. Аниқланган нуқсонлар юзасидан пудратчи ташкилотлар раҳбарларига огоҳлантириш берилди ҳамда ҳолатни ўнглаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юкланди.

Йўл қўйилаётган қоида бузилишлар ва камчиликлар асосан нималардан иборат? Инспекция мутахассисларининг маълумотларига қараганда аксарият объектларда техника хавфсизлигига риоя қилмаганлик ҳоллари учрайди. Қурувчилар ишчи кийимлари ва махсус ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

Айрим қурилиш материалларининг сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар ва лаборатория ҳужжатлари йўқлиги ҳам кўзга ташланди. Йиғма темир-бетон панелларнинг оралиқ чоклари цемент қоришмаси билан тўлдирилмаган ҳоллар ҳам бор.

Инспекция ходимлари шу йилнинг биринчи чорагида 923 та назорат иши олиб борди. Қурилиш ташкилоти раҳбарлари, буюртмачиларнинг техник назорат ишларига, лойиҳа ташкилотлари вакилларига нисбатан 83 та маъмурий баённома тузилди. 255 миллион сўмликдан ортиқ жарима жазолари белгиланди.

Самарқанд вилояти

# Пастдарғомда ўзгаришлар кўп

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Юртнинг обод ва кўркам бўлиши кўп жиҳатдан қўли гул қурувчиларнинг меҳнатига боғлиқ. Буни чуқур англаган бунёдкорлар ҳар доим лойиҳаларнинг аниқ ва пухта ижро этилишига алоҳида эътибор қаратади. Ўз вазифасига масъулият билан ёндашадиган ана шундай олижаноб инсонлар бор экан, қишлоқ ва шаҳарларимиз кундан-кун чирой очиб, чинакам мўъжизага айланаверади. Буни Пастдарғом тумани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Дарҳақиқат, бугун Самарқанд вилоятидаги энг йирик, аҳолиси гавжум туманлардан бири ҳисобланган бу масканда улкан бунёдкорлик ишлари туфайли катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

– Ярим миллионга яқин аҳоли истиқомат қилаётган туманимизнинг вилоятда ўз салоҳияти бор, – деди туман ҳокими Шунқор Худойбердиев. – Бу ерда саноат ишлаб чиқарилиши, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги дастурларнинг ҳаётга изчил жорий этилаётгани ютуқлар омили бўлаётир. Давлатимиз раҳбарининг қарорларидан келиб чиқиб ”Обод қишлоқ” ва ”Обод маҳалла” дастури доирасида жойларда бунёдкорликлар олиб борилаяпти. Қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш режасига мувофиқ барча жойда бир-биридан мукаммал иншоотлар қад ростламоқда. Мактаблар, МТТ ва соғлиқни сақлаш муассасаларини бунёд этиш, борларини таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Замонавий лойиҳа асосида кўп қаватли уйлар қурилаяпти. Биргина Чархин қўрғонида тикланиб, фойдаланишга топшириш арафасида турган хонадонлар кўркига тикилиб, ҳавасингиз келади. Эски Жума, Балхиён, Галатут, Равот массивларидаги уй-жойлар ҳам талабларга мослиги билан ажралиб турибди. Аҳолини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш, сув иншоотлари қуриш, электр таъминотини яхшилаш доимий эътиборимизда.

Президентимизнинг 2021 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ҳашамат, Тўмарис, Маърифат, Тошкент, Амир Темур, Нодирабегим, Ҳамид Олимжон кўчаларида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жорий йилда Бўстон, Ўзбекистон, Нурли йўл, Турон, Беруний кўчалари қиёфасини замонавийлаштириш мақсад қилинган.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиш жоиз. Кейинги пайтда туман маркази Жума ва Самарқанд шаҳарлари ўртасидаги 25 километрлик масофага электр чироқлари тортилгани кўпчиликка манзур тушган эди. Эндиликда эса тумандаги 107 та маҳалла ҳудудидаги кўчаларга 100 тадан тунги ёритгич чироқлари ўрнатишга қизғин киришилган.

Андижон вилояти

# Йўл четлари ҳам яшил маконга айланмоқда

**Зиё СИРОЖ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Шу кунларда республикамизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мевали ҳамда манзарали дарахт кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда.**

Бу борада айниқса, автомобиль йўлларининг икки четига шароит ва иқлимга мос бўлган кўчатларни экиш ишларига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфида “Андижон йўл кўкалам” УК ташкил топган бўлиб, айни пайтда корхона самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Пахтаобод туманидаги Озод массивидан корхонамиз учун 20 гектар ер майдони ажратилган, – дейди бош агроном Нозимжон Саидов. – Ҳозирда бу ерда 172 минг 455 туп манзарали дарахт ва бута кўчатлари етиштирилмоқда. Уларнинг 82 минг 26 тупи бу йилги баҳор мавсумида манзилларга кўчиришга тайёр ҳолатда.

Андижон вилоятида 2 минг 463 километр умумий фойдаланишдаги йўллар мавжуд бўлиб, корхона томонидан 2018 йилдан буён унинг икки четига манзарали дарахт кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида 122 минг 371 туп кўчатлар экилган бўлса, жорий йилги мавсумда экиш учун яна 25 турдаги манзарали дарахт кўчатлари парваришланмоқда.

Ўзбекистон шароитида дарахтларнинг аҳамияти жуда катта. Улар йўл четида ўзгача қиёфа кашф этиш билан бир қаторда экология софлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши керак. Корхонада кўчат етиштиришда масаланинг шу жиҳатларига катта аҳамият қаратилмоқда.

Фарғона вилояти

# Янги массив чирой очмоқда

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фарғона вилоятида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари унинг гўзаллигига янада гўзаллик қўшяпти. Ҳукуматимиз томонидан анклав ва чекка ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилаётгани натижасида Сўх тумани ҳам кун сайин ижтимоий-иқтисодий юксалиб бормоқда.**

Ана шу жараёнда янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда инвестициявий лойиҳалар ишга туширилгани натижасида тумандаги вақтинчалик ишсиз мақомини олган кишилар замонавий касбларга ўқитилиб, доимий иш билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг ихтиёрига қараб хонадонбай ишлаш усули кенг жорий қилинаётгани тадбиркорликни юксалтириш қаторида, оилаларнинг даромад манбаи ошишига имкон яратаётир.

Туман ҳудудида массивлар барпо этилаётгани эса мақсадга эришишга катта ҳисса қўшяпти. Масалан, туманнинг “Жавпая” массиви лойиҳаси юзасидан ишлар бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Оз фурсатларда бу ерда ўзлаштирилаётган майдонларда иссиқхоналар қурилиши жараёнлари жадаллик билан олиб бориляпти. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтгача бу ерда ўзлаштирилиши режалаштирилган жами 1000 гектар майдоннинг дастлабки 80 гектарида 141 та иссиқхона учун ер майдонлари ажратилган бўлиб, уларнинг 93 тасида қурилиш ишлари якунланай деб қолди.

Имтиёзли кредит эвазига барпо этилаётган 20 дан зиёд 10 сотихли иссиқхоналарда асосий тадориклар якунланиб, лимон кўчатлари ўтказилди ҳамда оралиқда бўш қолган ердан унумли фойдаланиб, помидор, бодринг, қалампир ва карам экилди. Вилоят ҳокимлигининг топшириғига кўра, кам даромадли ва кам таъминланган 20 та оилага эса иссиқхоналар бепул бунёд этиляпти. Эътироф этиш керак, ана шу массивнинг ишга туширилаётгани ҳудуддаги кўплаб муаммоларнинг олдини олмоқда. Таҳлилларга қараганда, авваллари ишлаш учун хорижга мавсумий бориб келаётганларнинг аксарияти эндиликда массивдан ер олиб, меҳнат қилиш имкониятига ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлишаётир.

Мазкур массивда тадбиркорлик ва ишбилармонлик орқали даромад манбаини ошириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Хусусан, бунёд этилаётган иссиқхоналарда мунтазам иш жараёни бориши учун энг аввало сув ҳамда электр энергияси бўлиши лозим. Бунинг учун вилоят маҳаллий бюджети ҳисобидан 21 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Массивга туташ жойларда ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорликлар жадал суръатларда олиб бориляпти. Давлат-хусусий шериклик асосида қуриб фойдаланишга топширилган “Тул” маҳалла фуқаролар йиғинининг замонавий биноси бунга мисолдир. Ишбилармон Аслиддин Азизов ташаббуси билан 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб барпо этилган бинода савдо дўконлари ҳамда касб-корга йўналтирилган ўқув маркази ҳам ташкил этилиб, бир неча маҳаллий ёшларнинг доимий ишли бўлишига имкон яратилди. Шу сингари Истиқлол маҳалласи ҳудудининг 4,9 гектар майдонида барпо этилаётган, лойиҳа қиймати 29 миллиард сўм бўлган замонавий болалар оромгоҳида бунёдкорлик ва қурилиш ишларини ўз муддатида якунланиши учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Тошкент вилояти

# Комбинатда реконструкция ишлари қизғин боряпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Бугунги ўзгарувчан шароитда иқтисодиётимизни барқарор ўсишини таъминлашнинг энг самарали йўли – ички имкониятларни ишга солиш, яъни импорт бўлаётган тайёр маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноатни янада ривожлантиришдан иборат. Бу миллий иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши бўлиши керак. Буни ўйламаган, атрофдаги вазиятдан бехабар, сиёсатни тушунмайдиган ҳоким ёки тармоқ раҳбарининг ишлашга ҳаққи йўқ” дейилди яқинда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида.**

Видеоселекторда айтилганидек, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш юқори самарадорликка эришишни таъминлайди. Бу жиҳатдан Олмалиқ кон-металлургия комбинатидаги ишлар бошқа саноат корхоналарига ибратдир.

Корхона жамоасининг меҳнатга муносабати тубдан ўзгараётгани маҳсулот тайёрлашда ўз самарасини бермоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида комбинат 97,664 минг долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган бўлиб, амалда 212 минг долларлик экспорт ҳажми бажарилиб, режа 155,9 фоизга уддаланган.

Режа уддаланиши билан бирга Давлатимиз раҳбарининг топшириғига жавобан комбинатда улкан бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, “ОКМК асосий ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ҳамда барқарорлаштириш” дастури бўйича комбинатнинг Мис бойитиш фабрикасида модернизация ишлари негизида майдалаш ва янчиш бўлимларида майдалагичлар, ғалвирлар тўлиқ алмаштирилди. Бу билан рудани қайта ишлашда кўзланган мақсадга эришилди. Маълумотларга кўра, янчиш ҳамда флотациялаш цехида асосий технологик ускуналарни монтаж қилиш ишлари олиб бориляпти, у шу йил март ойининг охирида ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, жорий йилда тўлиқ ишга тушиши режалаштирилган 5-сонли флотацион моносекцияни кенгайтириш ишлари ҳам жадаллик билан олиб бориляпти. Ҳозирда ер тайёрлаш ишлари меъёрига етказилиб, зарур технологик ускуналар келтирилган ва пудратчи ташкилотлар жалб қилинган.



Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган бу сингари модернизация ишлари мазкур корхонага юклатилган вазифаларни сифатли бажариш имконини беради. Муҳими, юртимизнинг саноат соҳасидаги ички ҳамда ташқи бозорлардаги салоҳияти янада ортади.

# Болажонларнинг қувончи чексиз

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимиз Президенти ташуббуси билан мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ўсиб келаётган баркамол авлоднинг таълим-тарбия олишига катта эътибор қаратилиб, замон талабларига мос технологиялар жорий этилмоқда.**

Хусусан, ривожланишда нуқсони бор, ногирон болаларга ушбу йўналишда алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг реабилитацияси учун зарур шароитлар яратиб бериляпти. Бу борада Фарғона вилоятининг Сўх туманида ҳам бажарилаётган ибратли ишлар яққол кўзга ташланмоқда.

Яқинда Ҳазрати Али номли МФЙ ҳудудида жойлашган 4-сонли мактабгача таълим ташкилотининг қурилиб, фойдаланишга топширилгани фикримиз далилидир. Энди мазкур масканнинг куни узайтирилган 6 та гуруҳида 180 нафар ҳамда ақлий ва руҳий ривожланишда нуқсони бор болалар учун мўлжалланган қисқа муддатли 2 та гуруҳда 60 нафар мактабгача ёшдаги болажонлар тарбия олишади.

Қурилишга давлат бюджетидан 7 млрд 300 млн сўм йўналтирилиб, “Жаҳон қурилиш инвест” МЧЖ бунёдкорлари томонидан салкам олти ойда замонавий мактабгача таълим ташкилоти барпо этилди.

# Яна 10 та МТТ болажонларни чорламоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Баҳор бунёдкорлик фасли ҳам. Бу фаслда кишиларда яратувчанлик ва яшнатиш туйғулари янада жўш уриши шубҳасиз. Шу кунларда юртимизда 10 та МТТ фойдаланишга топширилди. Натижада 1500 нафар бола мактабгача таълим ташкилотига қамраб олинди.**












Қашқадарё вилоятида ҳам 3 та МТТ фойдаланишга топширилди. Хусусан, марказдан анча узоқда жойлашган Шаҳрисабз туманидаги Ғелон маҳалласида 22-давлат мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Ушбу ташкилот 120 ўринга мўлжалланган. Мазкур давлат мактабгача таълим ташкилоти аввал ҳududдаги коллеж биносида вақтинча фаолият кўрсатиб келаётган эди. Инвестиция дастурига асосан 3 миллиард 22 миллион 300 минг сўм маблағ ҳисобига янгидан бино қурилди.

Шунингдек, Яккабоғ туманидаги “Чинобод” МФЙда 21-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳам болажонларни қувонч билан қарши олмоқда. Қарийб 4 миллиард сўм эвазига барпо этилган мазкур боғча 150 ўринга мўлжалланган. Шу билан бирга, Деҳқонобод туманининг Отқамар маҳалласида ҳам 120 ўринга мўлжалланган 11-давлат мактабгача таълим ташкилоти биносининг фойдаланишга топширилиши байрам кунларига тўғри келди. Янги боғча ишга тушиши билан 25 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Наврўз байрами кунлари пойтахтлик болажонлар ҳам совғасиз қолмади. Хусусан, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси тасарруфидаги Чилонзор туманида жойлашган 24-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти 1960 йилда қурилган бўлиб, 2020 йил инвестиция дастури асосида таъмирланди. 360 ўринга мўлжалланган ушбу ташкилотда таъмирлаш ишларидан сўнг қўшимча равишда умумий ошхона, спорт ва мусиқа заллари қуриб топширилди.

Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон тумани Жозиба маҳалласида инвестиция дастури асосида 21-сонли мактабгача таълим ташкилоти янгидан қурилди. Туман марказидан узоқда жойлашган ушбу МТТнинг аввалги қамрови 50 ўринни ташкил этган бўлса, ҳозирда 150 ўринга мўлжалланди.

Фарғонанинг Ўзбекистон туманидаги “Қайнарбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини Элаш қишлоғида жойлашган 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотининг биноси янгидан барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Боғчанинг мавжуд эски биноси ўрнида умумий қиймати 520 миллион сўмлик лойиҳа ҳисобига 120 ўринли кўркам бино қад ростлаб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Андижон вилоятининг Бўстон туманидаги Янгиобод маҳалласида ҳам 9-давлат мактабгача таълим ташкилоти очилди. Ушбу маскан 150 нафар болажонларни ўз бағрига олиш имконига эга. Мактабгача таълим масканининг хоналари замонавий тарзда болаларга манзур бўлувчи жиҳозлар билан таъминланган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида ҳам 10-сонли мактабгача таълим ташкилоти бунёд этилди. Ташкилот учун 3 млрд 30 млн сўм ажратилган бўлиб, 90 ўринга мўлжалланган. Ушбу масканнинг очилиши натижасида 15 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Наманган вилояти Чуст туманининг икки маҳалласида, ҳар бири 120 ўринли, лойиҳа қиймати қарийб уч ярим миллиард сўмдан, 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган 2 та – 25-сонли ҳамда 19-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳам болажонлар қувончига қувонч улашди.

Эртамиз эгаларининг бугун яхши шароитда таълим-тарбия олиши, юртимиз келажаги учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Сурхондарё вилояти

# Сариосиё туманида Ёшлар боғи иш бошлади

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
ЎзА мухбири.

**Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги Мирзо Улуғбек номли маҳалла ҳудудида Ёшлар боғи фойдаланишга топширилди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маросимда туман ва шаҳар ҳокимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Сариосиё, Узун тумани нуронийлари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Воҳиджон Аҳмаджонов, меҳнат фахрийси Муҳаммади Муродуллаев ва бошқалар кейинги йилларда мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳият ҳамда ўз мустақил дунёқарашига эга, жисмонан соғлом, маънан етук, ватанпарвар ёшларни тарбиялашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганини таъкидлади.

Чекка туманда ёш авлод учун барча қулайликларга эга гўзал маънавият-маърифат ва дам олиш маскани бунёд этган қўли гул қурувчиларга чуқур миннатдорлик билдирилди. Сариосиё ва Узун туманини аҳлининг энг севимли масканларидан бирига айланадиган хушманзара боғ фойдаланилмай турган уч гектар майдонда ҳудуддан Олий Мажлис Сенати аъзолигига сайланган сенатор Абдуғани Сангинов ташаббуси билан “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти маблағи ҳисобига бунёд этилди.



Бу ерда болажонлар учун махсус ўйингоҳ, 50 ўринли кинотеатр, 38 мингдан ортиқ турли китоб ва қарийб 53 минг электрон китоб фондига эга катта ҳажмдаги LED-монитор ва бепул интернет билан таъминланган ахборот-кутубхона маркази, иккита овқатланиш шохобчаси қад ростлади. Кенг, ёруғ ўқув залига эга ахборот-кутубхона маркази бир йўла 120 нафар, кун давомида 600 дан ортиқ китобхонга сифатли хизмат кўрсатиш қувватига эга. Ўзига хос дизайн асосида замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилган янги мажмуага мусиқали фаввора ўрнатилиб, сунъий кўл қурилган.

Осмонўпар тоғлар қўйнидаги туман марказига ўзгача кўрк бағишлаган ёшлар маскани бевосита Президентимиз ғояси асосида юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган “Яшил макон” лойиҳаси доирасида турфа яшил бойликларга бурканган. Йўлакчалар бўйлари ва теварак-атрофга Туркия давлатидан келтирилган 800 дан ортиқ манзарали дарахт, 20 мингдан зиёд анвойи гул кўчатлари экилган. Янги Ўзбекистоннинг хушманзара Ёшлар боғида 20 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Тадбир иштирокчилари замонавий боғда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Дилрабо куй-қўшиқлар ижро этилди.

Тантанали маросимда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов иштирок этди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№26 (579) 2022 йил 12 апрель

# ТАЪЛИМГА БЕРИЛГАН БУГУНГИ ЭЪТИБОР, келажакка қўйилган тамал тошидир

**Азамиддин ҚЎЛДАШЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
Таълим муассасалари фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПҚ-3646-сонли қарори ва 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли Фармонига мувофиқ, Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари ҳамда архитектура-қурилиш ихтисослиги бўйича техникум ва коллежлар Қурилиш вазирлиги таркибига ўтказилди. Қурилиш вазири томонидан қурилиш соҳасида амалга ошириладиган ислоҳотларга мос равишда кадрлар тайёрлаш ҳамда тизимдаги таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик таркибида Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди.**



Бошқарманинг асосий вазифаси сифатида архитектура, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасини тизимли асосда малакали кадрлар билан таъминлаш, олий таълим муассасалари, техникум ва коллежлар фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳада фаолият юритаётган ходимлар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш, қурилиш соҳасини ривожланиш тенденциялари ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаларида янги йўналишлар бўйича мутахассисликларни очиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, талабаларнинг малакавий амалиётларини соҳанинг етакчи корхоналар ва ташкилотларида ўтказиш, илғор хорижий тажриба асосида янги малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, бакалавриат ва магистратурага қабул прогноз параметрларини шакллантириш кабилар белгилаб берилди.

Таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси вазирлик марказий аппаратининг тегишли бошқармалари, таркибдаги таълим муассасалари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда юқорида келтирилган вазифалар ижросини таъминлаб келмоқда. Хусусан, қурилиш соҳасидаги ислоҳотларга мос равишда амалиёт жараёни билан узвий боғланган ҳолда малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, институтларда 6 та хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш ташкил этилди. 2017–2021 йиллар давомида Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура институтида халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида янги йўналишлар бўйича мутахассисликларни очиш юзасидан таклифлар ҳар йили Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлигига киритилмоқда. Тошкент архитектура-қурилиш институти учун янги манзилда замонавий бинолар комплекс тарзда қурилди. Ушбу ҳудудда республикада ягона бўлган "Қурилиш хаби"ни ҳам барпо этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг 1 800 ўринли бош ўқув биноси капитал таъмирланди. Иккала институтга ҳам ректор сифатида Туркиядан малакали мутахассис жалб қилинди.

Шу билан бирга, бу икки институтга Университет мақомини бериш, иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, архитектура ва қурилиш соҳалари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида трансформациялаш, таълим жараёнига инновацион ўқитишнинг шакл ва методларини ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсадида бошқарма томонидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Бошқармамиз таклифи асосида Қурилиш вазирлиги ҳузурида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташкил этилди. Кенгаш йиғилишларида таркибдаги таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ бўлган устувор вазифалар ҳар чоракда муҳокама қилиняпти.

Шунингдек, 2021/2022 ўқув йилига мўлжалланган олий таълим тизимининг бакалавриат таълим йўналиши бўйича 22 та, магистратура мутахассислиги бўйича 25 та ҳамда профессионал таълим йўналишларининг 4-даражаси бўйича 8 та ва 5-даражаси бўйича 5 та, жами 60 та намунавий ўқув режалар ва малака талаблари ишлаб чиқилишида бошқарма мутахассисларининг ҳиссаси катта. Мазкур ўқув режа ва малака талаблари вазирлик томонидан ўрнатилган тартиб асосида келишувдан ўтказиб берилди.

Талаба-ёшларнинг билим ва иқтидорини, инновацион лойиҳа ҳамда ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқарма ташаббуси билан анъанавий равишда "Янги аср истеъдодлари" Республика кўрик-танлов ўтказилиб келинмоқда. Унда қатнашиш истагидаги талабалар сони йилдан-йилга ортиши танловнинг уларга қай даражада аҳамиятли эканлигидан далолат. Танлов иштирокчилари тақдим этган лойиҳаларни кузатиб, келгусида юртимизда янада кенг кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилишини англаш мумкин.

Таркибдаги олий таълим муассасаларида Россия, Беларусь, Польша ва Германия давлатлари билан ўзаро ҳамкорликда қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Биргина, 2020-2021 ўқув йилида хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастури бўйича 151 нафар талаба ҳамкор университетларда ўқимоқда.

Бошқарма томонидан ишлаб чиқилган таклиф инобатга олиниб, таркибдаги 9 та коллежга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сон қарори билан техникум мақоми берилди. Ушбу техникумларни тармоқ ташкилотларига бириктириш, профессионал таълим муассасаларида ўқув жараёнини янада такомиллаштиришда иштирок этиб, уларнинг фаолияти мувофиқлаштириб боряпмиз.

Мазкур профессионал таълим муассасаларида ўқув жараёнидан ташқари, ўқувчилар ўртасида турли йўналишларда кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида Бухоро архитектура ва қурилиш техникумида "Қуруқ қурилиш ва сувоқ ишлари" бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган касб танлови совриндори, техникум ўқувчиси Ф.Нусратов "WorldSkills Uzbekistan – 2022" Республика босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида бошқарма ташаббуси билан "Қурилиш соҳасида касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгаши тўғрисида"ги ҳамда "Малакани баҳолаш маркази тўғрисида"ги Низомлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шу билан бирга, Қурилиш соҳасида касбий малака ва билимлар бўйича Тармоқ кенгаши ташкил қилинди. Ҳозирги кунда юқорида кўрсатилган қарор ижроси юзасидан бошқарма томонидан касбий стандартлар ишлаб чиқилиши мувофиқлаштирилмоқда.

Йиллар давомида бошқарма томонидан таркибдаги профессионал таълим муассасаларида ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш ва моддий-техника базаси такомиллаштириш бўйича таклифлар тегишли вазирлик, идоралар ҳамда Ҳукуматга киритилмоқда. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарори билан Қурилиш вазирлиги тизимидаги профессионал таълим муассасалари ҳузурида 9 та Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Марказларнинг ҳар бирида бир мавсумда (бир мавсум 3-4 ойдан иборат) 13-16 та касб бўйича 275-300 нафар фуқаро касбга тайёрланяпти. Биргина 2021 йилнинг ўзида 4859 нафар фуқаро марказларга ўқишга қабул қилиниб, кичик касб эгаси этиб тайёрланди.

Бундан ташқари, таркибдаги олий таълим муассасалари ҳузуридаги Малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари ва профессионал таълим муассасаларида ташкил этилган малака ошириш курсларида 2022 йилнинг 1-чорагида 1021 нафар лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги ташкилотлар ходимлари малакаларини ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлишди.

Бугунги кунда соҳага малакали кадрларни етиштириб бериш – замон талаби. Юртимиз келажагини эса айнан шундай малакали бунёдкорлар қуради. Бир сўз билан айтганда, таълимга берилган бугунги эътибор, келажакка қўйилган тамал тошидир.

# Ijodiy ishlar ko'rgazmasi bo'lib o'tdi

**Latofat YUSUBOVA,**
TAQI Matbuot kotibi.

**Toshkent arxitektura-qurilish instituti Xotin-qizlar masalalari bo'yicha maslahat kengashi raisi F.Qosimova va Arxitektura fakulteti dekan o'rinbosari N. Qurbonovalar tashabbusi bilan "Bahor nafasi" deb nomlangan ijodiy ishlar ko'rgazmasi tashkil etildi.**



Ushbu ko'rgazma institutga biriktirilgan Yunusobod tumanidagi Yunusobod, Axilobod hamda Yangi bog' mahallalari bilan hamkorlikda o'tkazildi. Institutning "Qizlarjon" klubi tomonidan rassomchilik yo'nalishida tashkil etilgan ko'rgazmadan ko'zlangan asosiy maqsad, yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish hamda iste'dodlarini yuzaga chiqarishdir. Ko'rgazmada "Tasviriy san'at" kafedrasi professor-o'qituvchilari, mahalla yoshlari, yoshlar yetakchilari hamda talabalar ishtirok etdi.



"Bahor nafasi" ijodiy ishlar korgazmasida 1-o'ringa Arxitektura fakulteti talabasi Zuxra Abdug'afforova loyiq topildi. Shuningdek ikkinchi o'rin Arxitektura fakulteti talabalari Maxliyo Ne'matjanova, Nursaid Raximboyev. Uchinchi o'rin Arxitektura fakulteti talabalari Moxira Miryoqubova, Fotima Abdug'afforova hamda Akbar Ozodovga nasib etdi.Tanlovda g'olib bo'lgan talabalar faxriy yorliqlar bilan taqdirlandi.

# КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ БИЛИМ ЎЧОҒИ

**Абдулло МИРИСАЕВ,**
ТАҚИ Ўқув ишлари бўйича
проректори.
**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Одам имконидан ортиқ маблағ топсагина иморат қуради", деган гапни ёши улуғ кишилардан кўп эшитганмиз. Бугун Ўзбекистонимиз ана шундай бой мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун интилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Зеро, юртимизда ҳар қадамда бажарилаётган улкан бунёдкорлик ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Яна бир ҳақиқат шуки, юртимиз дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторидан ўрин эгаллаши учун қурилажак иншоотлар фақатгина маблағга боғлиқ эмас. Бунинг учун маҳоратли лойиҳачиларнинг мукаммал асарлари, иқтидорли дизайнерларнинг кенг тасаввури ва албатта, қўли гул қурувчилар сув ва ҳаводек зарур.**




1991 йилда ташкил этилган Тошкент архитектура-қурилиш институти эса келажак бунёдкорларини етиштириб берувчи асосий таълим муассасаси ҳисобланади. Институтнинг 4 та – Архитектура, Бино ва иншоотлар қурилиши, Қурилишни бошқариш ва Муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультетларининг 23 та кафедрасида асосий штатда 339 нафар, шу жумладан, 148 нафари илмий даража ва илмий унвонларга эга профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Уларнинг 24 нафари фан доктори ва профессор унвонига эга бўлса, 124 нафари фан номзоди ва доцентлар. Шунингдек, ички ўриндошлик асосида 171 нафар, ташқи ўриндошлик асосида 80 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатади.

Институт кундузги таълим йўналишларида 3 956, сиртқи таълим йўналишларида 1 970, қўшма таълим дастурларида эса 108 нафар ҳамда магистратура мутахассисликларида 425 нафар, жами 6 459 нафар талаба таҳсил олади. 2021-2022 ўқув йили учун қабул квотаси кундузги бакалавриат таълим йўналиши бўйича 1 100 та, сиртқи таълим йўналишлари бўйича 325 та ва магистратура мутахассисликлари бўйича 190 тани ташкил қилган.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб институтда "Маданий меърос объектларини асраш" таълим йўналиши ва "Бино ва иншоотларни лойиҳалашда информацион моделлаш технологиялари", "Бино ва иншоотлар зилзилабардошлиги" магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу ҳам ўз навбатида юртимизда келгусида бунёдкорлар сафи ва сифати янада ортишига хизмат қилади.

Профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида иштирок этиши бўйича ҳам институтда бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Ўтган ўқув йилида институтнинг 121 нафар раҳбар ва педагоглари малака ошириш курсларига юборилган. Бундан ташқари, ТАҚИда қўшма таълим дастурларига ҳам катта эътибор қаратилади. 2020-2021 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича қўшма таълим дастурлари доирасида Беларусь миллий техника университети (Беларусь), Қозон давлат архитектура-қурилиш университети (Россия), Москва архитектура институти (Россия) ва магистратура мутахассислари бўйича Белосток техника университети (Польша), Анхалт амалий фанлар университети (Германия) билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда қўшма таълим дастурлари доирасида бир қанча талабалар таълим олмоқда.

Институтнинг 2 нафар ёш олимлари Германия ва Россияга малака ошириш ҳамда 2 нафар талабаси Германиянинг Потсдам амалий фанлар университетига таҳсил олиш учун юборилди. Хусусан, қўшма таълим дастурлари доирасида 57 нафар талаба Германия, Польша ҳамда Беларусь давлатларига таҳсил олиш учун юборилди. Шунингдек, институтнинг 7 нафар профессор-ўқитувчиси дунёнинг нуфузли 1 000 талигига кирган таълим муассасаларида хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Профессор-ўқитувчилар томонидан доимий равишда дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилиши ҳам институтдаги мавжуд шароитлар натижасидир. Зеро, ўтган йилнинг ўзида 113 та – 53 та дарслик ва 60 та ўқув қўлланма тайёрланиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг гувоҳномалари олинди.

Ҳар қандай иморат асоси унинг илк пойдеворига боғлиқ. Шу боис, ТАҚИ қошидаги академик лицейига иқтидорли ёшларни жалб қилиш мақсадида "Архитектура тайёрлов маркази" фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Академик лицейда таълим сифатини яхшилаш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, ўқувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш бўйича "AutoCAD" дастури ўрнатилиб, унга қизиқувчилар иштироки таъминланди. Институт академик лицейи турли кўринишдаги техникалар, яъни компьютер, видеоконференц қурилмаси, проектор ва бошқалар билан жиҳозланиб, Вебинар ва макетлаш хоналари таъмирдан чиқарилди.

Бугун юртимизда ёшларга эътибор ҳар қачонгидан кўра кўпроқ. Уларнинг нафақат тўлақонли билим олиши, балки олий таълимни тугатиб, ўз йўналиши бўйича фаолият юритиши ҳам муҳим масалага айланган. Тошкент архитектура-қурилиш институти битирувчиларини иш берувчилар билан учрашувларини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам шу. Институтда доимий равишда факультетлар кесимида талабалар ва иш берувчи ташкилотлар ўртасида учрашувлар ўтказилиб турилади. Бунинг натижасида талабаларнинг кўпчилиги ўқишни тугатмасиданоқ ўз севимли ишига эга бўлмоқда.

Хусусан, 2020-2021 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишини 965 нафар талаба битирган бўлиб, ҳозирги кунга келиб, бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларидан 818 нафарининг бандлиги таъминланган. Қолган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш чоралари йўналишлар кесимида рўйхати шакллантирилиб, ҳар бир профессор-ўқитувчига бириктирилган. Магистратура мутахассисликлари бўйича 141 нафар битирувчи бўлиб, уларнинг барчаси иш билан банд.

Бугун юртимизда илмий салоҳиятли кадрларни кўпайтириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш доимий эътибор марказидаги масалалардан бири. Институт кафедраларида 2021 йилда 10 та ихтисослик бўйича 60 нафар таянч докторант (PhD) ва 4 нафар докторантлар, шунингдек, 23 нафар таянч докторантура (PhD) ва 3 нафар мустақил изланувчилар докторлик диссертациялари устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган. Олий таълимдан кейинги таълим институтига тайёргарлик босқичи – стажёр-тадқиқотчилик институтида 4 нафар ёш олим фаолият олиб борди.

Ўтган йилда институт таянч докторантлари томонидан 5 та фалсафа доктори ва докторантлар томонидан 1 та фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича докторлик диссертациялари ҳамда таянч докторантлар томонидан 3 та фалсафа доктори илмий даражаси бўйича докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бундан ташқари, 3 та мустақил изланувчи диссертациясини муддатидан олдин ҳимоя қилди. Эркин изланувчилар томонидан 4 та фалсафа доктори илмий даражаси бўйича докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниб, 14 киши доцент ва 4 киши профессор илмий унвонини олишга муяссар бўлди.

2022 йилда таянч докторантурага 35 нафар, мақсадли таянч докторантурага 5 нафар, фан доктори (DSc)га 3 нафар, 3 нафар ёшлар стажёр-тадқиқотчиликка ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олишга талабгорлардан 6 нафари мустақил изланувчиликка қабул қилинди. Айни пайтда уларнинг диссертация мавзулари тасдиқланиб, илмий раҳбарлари тайинланди.

Институт профессор-ўқитувчилари ва олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижалари асосида ўтган йилда 28 та монография, хорижий ва республика журналларида 400 дан зиёд илмий мақолалар, халқаро ва маҳаллий конференцияларда 300 га яқин тезислар чоп этилди. 1 та ихтиро, 3 та фойдали модел ва 6 та Саноат намунасига патент, 2 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномаси, 1 та муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олиниши ҳам институт олимлари эришаётган ютуқларнинг бир қисмидир.

Профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилаётган илмий-инновацион ишланмалар институт қошидаги "Архитектура, қурилиш, интеграция ва инновация маркази" шўъба корхонаси билан ҳамкорликда амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Илмий изланишлар натижалари ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш мақсадида 2021 йилда Марказда лойиҳа ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан тузилган 34 та хўжалик шартномалари асосида 1 479,563 млн сўмлик ҳажмдаги ишлар амалга оширилган.

Институт талабалари турли танлов ва олимпиадаларнинг фаол қатнашчилари ҳисобланишади. Ўтган йилги онлайн олимпиадаларда бир қатор талабалар 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаб, устозлари ишончини оқлашди. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ўтказилган "Янги аср истеъдодлари – 2021" республика кўрик-танловида эса институтдан 9 та номинация бўйича 26 нафар иқтидорли талаба ўзининг 40 га яқин инновацион лойиҳа ва ишланмалари билан иштирок этди. Талабаларнинг икки нафари 1-ўрин, 3 нафари 2-ўрин, 2 нафари эса 3-ўринни эгаллашди. Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат стипендиясини тайинлаш бўйича ўтказилган танловда институт талабаси Гулчеҳра Мелибоева ғолибликни қўлга киритди. Бундан ташқари, институт маъмурияти "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти стипендиясига "Гидротехника қурилиши", "Бино ва иншоотлар қурилиши", "Дизайн" , "Конструкторлик иши" йўналиш ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган номзод талабалар ўртасида танлов ташкил қилди. Унинг натижаларига кўра, Мухлиса Акромова, Диёржон Ниғматжонов, Элбек Раҳимов, Шерзод Раҳимов, Шаҳодат Умарқулова каби иқтидорли талабалар ушбу стипендияга сазовор бўлишди.

Ҳозирги кунда институт хорижий мамлакатларнинг 83 та нуфузли ОТМлари билан илмий ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Хусусан, Германия, Франция, Италия, Испания, Австрия, Туркия, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Индонезия, Латвия, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Япония, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон каби давлатларнинг қатор нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Натижада институтда 2021-2022 ўқув йили давомида 4 та ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Булар – Мимар Синан Гўзал санъатлар университети (Туркия), Остим техника университети (Туркия), Анадолу Университети (Туркия), К. И. Сатпаев номидаги Қозоқ миллий тадқиқот техника университетидир. 2020-2021 ўқув йили давомида институтда хорижий ҳамкор ОТМларнинг 6 нафар вакили амалиёт ўтади.

Айни вақтда институтда Европа Иттифоқининг Еразмус+ дастури доирасида 3 та лойиҳа мавжуд. Ўтган йилдан бошлаб Германиянинг Потсдам амалий фанлар университети билан ўзаро ҳамкорликда Германия Академик алмашинувлар хизмати томонидан молиялаштиришга қабул қилинган "Шарқ билан ҳамкорлик" лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа уч йил давомида амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Тошкент архитектура-қурилиш институтида хорижий мамлакатлардан келган 24 нафар талаба ҳам таҳсил олади. Архитектура факультети талабалари ва магистрантлари учун Едитепе университети профессори Кучуккая Айше Гулчин дарс машғулотлари олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун улкан бунёдкорликлар амалга оширилаётган юртимизнинг замонавий қиёфасини яратишда ТАҚИ битирувчиларининг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидласак, арзийди.

MUNOSABAT

# Ayollari ardoqlangan jamiyat kuchli bo'ladi

**Zulfizar SAIDOVA,**
TAQI, Qurilishni boshqarish fakulteti Xotin-qizlar masalalari bo'yicha dekan maslahatchisi.

**Jamiyatda ayollar huquqlarini ta'minlash, ularning siyosiy jarayonlardagi rolini oshirish hamda erkaklar bilan teng huquqlardan foydalanishi ilk bor hayotimiz qomusi bo'lgan Konstitutsiyamizda belgilab berildi.**



"O'zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsi va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar qonun oldida tengdirlar" (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 18-moddasi). Konstitutsiyamizda bu moddaning belgilanishi asrlar davomida qadr-qimmati past darajaga qo'yilgan ayollarga nisbatan huquq va erkinliklarini ro'yobga chiqarishda poydevor vazifasini o'tadi.

Muhtaram Prezidentimiz o'z nutqida **"Insoniyat tarixi shundan guvohlik beradiki, 1000 yillar davomida har qaysi jamiyatning madaniy darajasi va ma'naviy barkomolligi ayollarga bo'lgan munosabat bilan belgilanadi"**, deb ta'kidlagan. Buni amaldagi ifodasi sifatida Toshkent arxitektura-qurilish instituti Xotin-qizlar masalalari bo'yicha maslahat kengashi hamda fakultet Xotin-qizlar masalalari bo'yicha dekan maslahatchilari hamkorligida "O'smirlar, yoshlar, yosh ota-onalar bilan ularning ibratli ota-onalik ko'nikmalariga oid bilim darajasini oshirish" mavzusida ochiq muloqot o'tkazdik. O'zim faoliyat yuritayotgan Qurilishni boshqarish fakultetida "Yoshlarning ma'naviy-axloqiy va madaniy-ilmiy tarbiyasida oilaning roli" kabi mavzuda turli tadbirlar, davra suhbatlari doimiy ravishda tashkil etib borilmoqda.

Ushbu tadbirlardan ko'zda tutilgan asosiy maqsad, talaba-qizlarimizni oilaga tayyorlash, ularga qaynota-qaynona, turmush o'rtog'i oldidagi burchlari va vazifalarini bilish va unga amal qilishni o'rgatishdir. Shu bilan birga, yoshlar, yosh ota-onalar bilan ularning ibratli ota-onalik ko'nikmalariga oid bilim darajasini oshirish maqsadida ibratli oilalarni namuna qilib ko'rsatyapmiz.

Xotin-qizlarni ijtimoiy-huquqiy jihatdan qo'llab-quvvatlash, onalik va bolalikni muhofaza qilish, ularning kasbiy-jismoniy, ma'naviy va intellektual jihatdan ongini o'stirish, ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish, davlat qurilishida faol qatnashishga jalb qilish bugun davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Shuningdek, xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalalarini hal etish, ayniqsa, qishloq joylarida ularning mehnat va o'qish sharoitlarini yaxshilash, ayollarni tadbirkorlik faoliyatiga jalb etishga qaratilgan dasturlarni tayyorlash hamda amalga oshirishga ham katta e'tibor qaratilmoqda.

Xulosa qilib aytganda, muhtaram Prezidentimiz tomonidan biz ayollarga berilgan e'tibor va yaratilgan shart-sharoitlar cheksizdir. Bunday e'tibor, hurmat va ehtirom nazarimda boshqa hech bir mamlakatda biznikichalik bo'lmasa kerak. Mana shunday huquq va erkinliklarni munosib ko'rishgan ekan, biz ayollar doimo shunga mos ravishda ish yuritmog'imiz darkor. Zotan, biz o'stirgan va tarbiya berayotgan farzandlarimiz bizdan-da zukko va aqlli, kuchli va irodali, baxtli va omadli bo'lsin.

# Тараққиёт стратегияси: СУД МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Дилдора БАЗАРОВА,**
Тошкент давлат юридик университети профессори.

**Судлов тизимидаги ислоҳотлар фонида судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда соҳада одил судловни амалга ошириш бўйича изчил ишлар бажарилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар негизида судлар фаолияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган самарали қонунчилик базаси яратилди.**

Таъкидлаш лозимки, "судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш" Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарурлиги ҳамда дастлабки терговда давом этиб келаётган қонунбузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкинлиги ҳамда бу борада қабул қилинган қонуний чора-тадбирлар аниқ натижалар бера бошлаганлигини таъкидлаб ўтган.

Суд органлари мустақиллигининг асосий тамойиллари БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги резолюцияси билан маъқулланган. Суд органлари мустақиллиги, судьялар дахлсизлиги каби қатор ҳуқуқларни кўзда тутувчи мазкур ҳужжат Ўзбекистонда 1997 йилда ратификация қилинган. 2021 йил 28 июлдаги Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари судьялар мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган муҳим қонун ҳужжатлари бўлди.

Судьялар мустақиллигини таъминлашдаги муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига кўра, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратиш, ўз навбатида судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Фармон билан судьяларнинг дахлсизлигига оид ташкилий-ҳуқуқий механизм белгиланиб, унга кўра, судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилади. Шунингдек, судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга тегишли малака ҳайъатлари розилиги билан йўл қўйилиши тартиби мазкур қонун ҳужжатида кўзда тутилди.

Таъкидлаш лозимки, тадқиқот ишларимизда жиноят процессининг тамойиллари ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари процессуал кафолатларнинг асосий элементлари сифатида кўрсатиб ўтилган. Жиноят процессуал қонунчиликка кўра, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши жиноят процессининг принципларидан бири сифатида белгиланган. Унга кўра, одил судловни амалга оширишда судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ҳамда фақат қонунга бўйсунадилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқадилар ва ҳал қиладилар. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Айрим процессуалист олимлар, "судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ҳамда фақат қонунга бўйсуниш принципи жиноят ишларини кўриб чиқишда судьяларни ҳар қандай таъсирлардан ҳимоя қилиши"ни таъкидлаган. Шунингдек, жиноят процесси ушбу принципнинг асосий моҳиятларидан бири ҳам шунда эканлигини ва судьяларнинг мустақиллиги улар фақат қонунга бўйсунган тақдирда, қонун устуворлиги эса судьялар ташқи ва ички омиллар таъсиридан ҳимояланган тақдирда мумкин бўлишини, қонунга бўйсунмаган ҳолдаги мустақиллик ўзбошимчаликка олиб келишини ифода этганлар.

Бу борада Адлия вазирлиги тизимидаги Тадқиқот институти мутахассиси О.Тошев суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги (шахсий мустақиллик) судьяларнинг бошқа давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан, оддий фуқаролар ва ҳаттоки, бир суд доирасидаги судьялар ёки юқори инстанция судьяларидан мустақиллигини англатишини кўрсатиб ўтган.

Мутахассис суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллиги сифатида қуйидаги белгилар билан характерланишини таъкидлайди:

– судьяларнинг бошқа республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларидан мустақиллиги;

– судьяларнинг суд раисларидан мустақиллиги;

– судьяларнинг юқори турувчи суд судьяларидан мустақиллиги;

– суд ҳайъатларида судьянинг бошқа судьялардан мустақиллиги;

– судьяларнинг бошқа ҳар қандай фуқаролардан мустақиллиги.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, жиноят процессида "судья мустақиллиги" категорияси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олишини илгари суриш мумкин.

Булар:

– судья томонидан жиноят ишларини қонунга мувофиқ кўриб чиқиши ва ҳал қилиши;

– судьяларнинг қонуний фаолиятига аралашувнинг чекланганлиги;

– судьянинг юқори турувчи суд судьяларидан мустақиллиги.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш ўз навбатида одил судловни амалга оширишда, ишларни судларда қонуний тартибда кўриб чиқилишида ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

# Хусусийлашган корхоналарда афзалликлар кўп

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштирокини камайтириш, давлат ташкилотлари ҳамда унинг тасарруфидаги корхоналарда бўш турган ва фойдаланилмаётган активларини хусусий секторга сотиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриляпти.**

Ушбу йўналишда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси ҳам кўплаб саъй-ҳаракатлар қилиб, амалий натижаларга эришяпти. Бу борада айниқса, сўнгги даврда Навоий шаҳри ва Кармана туманида бир қанча корхоналар ишбилармонлар ихтиёрига топширилгани ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринлари яратишда бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шерзод Жумаевнинг эътироф этишича, ҳудудда шу пайтгача давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ҳамда йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтиш, замон талабидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни шакллантириш, илғор технологияларни амалиётга татбиқ этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилиш эвазига янги иш ўринлари яратилаётган экан. Масалан, якунланган йил давомида 35 та 78,4 миллиард сўмлик давлат активлари кимошди савдоларига чиқарилиб, шундан 25 та активлар тадбиркорлик субъектларига 66,5 миллиард сўмга сотилиши таъминланган.

Навоий эркин иқтисодий зонасида жойлашган "Полипропилен қувурлари" МЧЖнинг 100 фоиз давлат улуши E-auksion савдо платформаси орқали "Ihlas elektrik" МЧЖ томонидан 34,8 миллиард сўмга сотиб олинган эди. Тадбиркорнинг изланиши ва давр талабига мослашгани туфайли эндиликда корхонада рақобат муҳитини яхшилаш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайди. Чунончи, корхонага замонавий янги технологиялар жалб қилингани қисқа муддатда ўз самарасини берди, иш унумдорлиги ошиб, кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда бу ерда янги турдаги замон талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти.

Ҳозирги кунда жамият цехларида бир ойда 100 тоннага яқин 40 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб беріляпти. 2021 йил давомида жамият томонидан 5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич қарийб 1 миллиард сўмни ташкил этди. Энг асосийси корхонада 48 та иш ўрни яратилган.

"IMPERIUM INVEST" МЧЖ давлатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз ишлаб чиқаришини шакллантириш орқали маҳаллий қурилиш материаллари тайёрламоқда. 2020 йилда Навоий шаҳрида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатган 2-сонли темир-бетон заводи кейинги даврда маҳсулотлар тайёрлашда бироз оқсаётган эди. Фурсати етиб, ушбу корхонанинг бир қисми оммавий савдолар орқали сотиб олинди. Дастлабки жараёнда корхонани реконструкция қилиш ҳисобига дастгоҳлар замонавийлаштирилди. Бугунги кунда ушбу объектда асбест қувурлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 50 нафар кишининг доимий бандлиги таъминланди. Муҳими, корхонада тайёрланаётган материаллар сифати талаб даражасида экани ва турдош корхоналардагига нисбатан бирмунча арзонлиги учун буюртмачиларнинг эътиборига тушган.

Халқимизда, "Уйловчининг уйи битгунча, таваккалчининг иши битибди", деган гап бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган худди шундай корхоналардан яна бири "Navoiy sifat gold" МЧЖдир. Корхонада шифер маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 50 та янги иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ҳамда бозор тамойилларини жадал ҳаётга татбиқ этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислоҳотлар жараёнида хусусий капитал иштирокига кенг имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш йўли орқали рақобат муҳитини янада яхшилаш юзасидан бу йилги дастурга киритилган ишларни ўз муддатида бажариш чораларини кўришмоқда.

# Ўзбекистон учун бегона транспорт – МЕТРОБУС

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Инсоният шу кунга қадар узоқ масофаларни забт этишда нималарни ихтиро қилмади дейсиз. Эндиликда биз учун сувда ҳаракатланувчи камтарин соллар, қуруқликда эса туялар, отлар каби табиий воситаларнинг "қувватидан" фойдаланилган даврлар узоқ ўтмиш. Бугун-чи? Агар ўрта асрларда яшаган бир кимса шу кеча-кундуздаги сайёранинг мураккаб транспорт тизимини кўрса эди – ҳайратдан донг қотарди.**




Автобус, троллейбус, минибус, метро ва трамвайлар ҳозирги гавжум шаҳарларда фаол жамият ҳаётини тартибга солувчи улкан кашфиётлардир. Шундай пайтда Ўзбекистон учун бегона транспорт тизимлари мавжуд. Метробус – метро қурилишидан кўра арзонроқ, ижтимоий қулайликларига кўра афзалроқ жамоат улови. Келинг, ҳозир ушбу метробуслар ҳақида гаплашамиз...

## Метробус нима ўзи?

Метробус – метро ва автобуснинг гибрид кўринишидан иборат бўлган жамоат транспорти. У автобуснинг эластик ғилдиракларига эга бўлиб, айни пайтда ер усти трамвай-метро кўринишидир. Фақат метробуслар метро ва автобуслардан фарқли равишда ўзига хос ҳаракатланиш шаклига эгадир.

Унинг асл номланиши BRT – Bus Rapid Transfer бўлиб, илк марта Нидерландияда қарийб 26 метр узунликда "Phileas" бренди остида ишлаб чиқарила бошланган. Ўша даврда бутун дунёда 50 дона ишлаб чиқарилган мазкур транспортнинг таннархи 1,2 миллион евро эди. Кейинчалик, "Mercedes Capasity" бренди остида 415 минг евролик арзонроқ метробус уловлари ишлаб чиқарила бошланган. Ҳозирги кунда дунёнинг 37 давлатида метробус транспорти фаолияти йўлга қўйилган. Хусусан, Европада 48, АҚШ ва Канадада 20, Осиёда эса 26 та шаҳар аҳолиси мазкур ихчам ва қулай транспорт туридан фойдаланмоқда.

## У қандай ишлайди?

Биз одатда метро, автобус ёки трамвай транспортларини кўриб, айни шу уловларнинг шакл-шамойилига одатланганмиз. Метробус эса бир пайтнинг ўзида ушбу уч транспорт хусусиятларини ўзида жамлайди. Бутун дунёда оммалашиб бораётган мазкур транспортнинг ҳаракатланиши қай тартибда бўлади?

Ушбу транспортнинг ҳаракатланиши учун махсус йўл қисми талаб этилади. Жумладан, автомобиллар ҳаракатланувчи йирик кўчаларнинг марказий қисмида метробус йўлаклари жойлаштирилади. Бу, худди трамвай линияларига ўхшайди. Аммо трамвайдан кўра тезроқ, алоҳида электр тармоғи истамайди ва сифатлироқ хизмат кўрсатади.

Йирик кўчаларнинг ўрта қисмида метробуслар ҳаракатлари учун бориш-келиш кесимида икки йўлак ажратилади. Мазкур йўлаклар бир автобуснинг ҳаракатланиши учун зарур бўлган кенгликда жуфт ҳолатда жойлаштирилади. Бу йўлаклардан метробуслар бекатлар бўйлаб бориш-келиш режимида қарама-қарши ҳаракатланади. Ушбу йўлаклар автомобиль йўлидан металл тўрли панжаралар билан тўсилади. Чегараланган метробус йўлакларида 20-30 метрли узун метробус транспортлари юқори тезликда ҳаракатланади. Таъкидлаш керакки, мазкур транспортлар ҳозирги кунда электр зарядлаш қурилмалари ёрдамида қувватланади. Бошқа турдаги ёқилғилардан фойдаланилмайди. Бу эса, ўз ўрнида атроф-муҳит учун ҳам фойдалидир.

## Метро қурилишидан арзонроққа тушади(ми)?

Метробус ривожланган шаҳарларда ўхшаши йўқ транспорт мақомини эгаллаганига кўп бўлди. Унинг қурилиш таннархи метро ва шу каби жамоат транспортлари реконструкциясидан анча арзонроққа тушади. Мазкур транспорт реализациясининг иқтисодий қулайлиги кўплаб гавжум шаҳарларнинг йўл ҳаракати соҳаси қурувчилари учун илҳом манбаи бўлмоқда.

Масалан, Истанбул шаҳрининг Европа ва Осиё минтақасини боғловчи 52 километрлик Соғутличашма ва Буюкчекмачи метробус йўналиши 44 шоҳбекатга эга бўлиб, 20 миллиондан ортиқ шаҳар аҳолисига хизмат қилади. Бекатлар ораси ўртача 1 километр ва ундан ортиқ ҳисобланиб, бир бекатдан иккинчисига етишиш 1,5-2 дақиқани ташкил этади. Келинг, энди ушбу транспорт тизимининг умумий қурилиш қийматига эътибор қаратсак. Истанбул метробус йўналишининг илк босқичида Овчилар ва Тўпқопи шоҳбекатлари орасидаги узоқ километрли метробус станциясининг қурилишига 45,8 миллион доллар сарфланган. Метробус йўналишининг 11 бекатдан иборат 11,3 километрлик иккинчи босқичининг қурилиши учун эса 28,3 миллион доллар сарфланиб, қарийб 77 кунда битказилган. Мазкур транспорт тизимининг умумий ҳаракатланиши 2008 йилдан эътиборан йўлга қўйилган ҳамда 100 миллион доллар атрофидаги қийматда иншо этилган.

Шу ерда қизиқ солиштирмага диққат қилиш ўринли. Мамлакатимизда 2021 йил 26 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши" лойиҳасининг техник-иқтисодий ҳисобини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур лойиҳанинг таннархи 354,3 миллион долларни ташкил этди. Ушбу маблағларнинг 208,4 миллион доллари давлат бюджети маблағлари ҳисобига, 108,4 миллион доллари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити, ярим миллион доллари эса Хитой Халқ Республикасининг "Эксимбанк" молия-иқтисодиёт ташкилоти ҳиссасига тўғри келди.

Шунингдек, ўтган даврларда электрлаштирилган тезюрар ҳалқа темир йўли қурилиши лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, лойиҳанинг дастлабки қиймати 422,3 миллион долларга баҳоланганди. Йўналиш узунлиги эса 52,1 километр сифатида кўрсатилган.

Аслида ушбу рақамлар ҳам метро ва метробус орасидаги улкан иқтисодий тежамкорликни кўрсатиб турибди. Шундай эмасми?

## Метробусми ёки трамвай: қай бири бизга асқатади?

Албатта, маҳаллий шаҳарларимизни кузатсангиз, метробус ва шу каби транспорт турларининг жойлаштирилишида бир қанча ноқулайликлар ўртага чиқишига ишонч ҳосил қиласиз. Нега? Чунки тор кўчалар ва уларнинг атрофига тикланган иншоотлар амалда мазкур шаҳарларда замонавий транспорт тизимларини йўлга қўйишда тўсиқ ҳосил қилади. Бу – нисбатан аҳоли тарқоқ жойлашган кичик вилоят марказларимиздан тортиб, йирик шаҳарларимизгача тааллуқли бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда шаҳар қурилишида шунчаки, реконструкциядан ташқари ёт унсурларнинг ҳам ҳисобини олиш мантиқан тўғридир. Замонавий транспорт анъаналари – шундай унсурлардан бири. Урбанизациянинг ошиши ва аҳоли сонининг ортиши билан жамоат транспортларининг аҳамияти сезилади. Бугун Тошкент шаҳридаги транспорт тизими муаммолари ва жамоат транспортларининг ҳаракатланишидаги ноқулайликлар бунга мисол бўла олади. Шу ўринда шаҳар қурилишлари бевосита замонавий транспорт тизими анъаналарини чуқур англаган ҳолда олиб борилиши, йўл ва бино қурилиши ҳудудларида келажакда бўлиши мумкин бўлган тасодифий транспорт реконструкциялари учун жойлар ажратиш мақбулдек кўринади.

Шундай транспорт турларидан бири метробус бўлса ажаб эмас.

Яқинда ижтимоий ҳаётимизда Тошкент шаҳрига трамвай линияларини қайтариш масаласи кун тартибига чиқди. Трамвай – нафақат Ўзбекистон учун, балки бутун дунё учун энг қадимий транспорт турларидан бири. Айтиш жоизки, Тошкент шаҳрида трамвай фаолияти 115 йиллик тарихидан кейин 2016 йил май ойида тугатилган. Фикримизча, Тошкент шаҳрида жамоат ҳаракатланишини тартибга солишда метробус иқтисодий тежамкорроқ ечим бўла олади. Қолаверса, йирик объектлар қурилишлари давом этаётган бир паллада шаҳарда трамвай ва метро қурилиши каби оғир ва узоқ муддатли реконструкция жараёнлари аҳоли учун ноқулайликлар яратиши мумкин.

Бу пайтда Ўзбекистон учун бегона транспорт тизими – метробус ҳақида ўйлаб кўриш ўринлидек кўринади...

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№26 (579) 2022 йил 12 апрель

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
## СУРАТ ВА СИЙРАТ УЙҒУНЛИГИ

**Зоҳидулло МУНАВВАРОВ,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори.

**Иқтисод ва маданият ҳар қандай умуммиллий юксалишнинг қўш қанотини ташкил этишига кўҳна тарихнинг ўзи гувоҳ. Юртимизда кузатилган Биринчи ва Иккинчи Ренессанслар ҳам ушбу хулосанинг исботларидир. Дарҳақиқат, жамият ҳаёти моддий-иқтисодий ва маънавий-маданий моҳиятли омилларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган уйғунлашувидан иборат. Уларнинг ҳар иккисига бирдек эътибор берилган юртларда том маънодаги юксалишлар содир бўлган, бундан-да муҳими, бундай вақтларда инсон манфаатлари, унинг орзу-умидлари ва қадру қиммати барча саъй-ҳаракатларнинг марказига чиққан. Тарих синовидан ўтган ушбу ҳақиқат юртимиз ривожланишининг бугунги босқичида ўзининг навбатдаги ифодасини топаётгани халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва халқаро ҳамжамият томонидан олқишланмоқда.**



Юртбошимизнинг “...**Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс** пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” деган сўзлари Янги Ўзбекистоннинг миллий ғоясига айланди. Охирги йилларда амалга оширилаётган юртимизнинг сурати – ташқи қиёфасини мисли кўрилмаган суръатлар билан ўзгартириб бораётган улкан иншоотлар, миллий иқтисодиёт инфратузилмасини замонавийлаштириш ва халқаро рақобатга чидамли механизмга айлантиришга йўналтирилган лойиҳалар ўзининг самарасини бермоқда. Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишув жараёнида юртимиз раҳбари томонидан зикр этилган – коронавирус пандемияси авж олган мураккаб бир пайтда – ишга туширилган Қашқадарёдаги умумий қиймати салкам 3,5 миллиард АҚШ долларига тенг синтетик ёқилғи ишлаб чиқарадиган GTL заводи улардан биридир.

Шу билан баробар, умуммиллий муҳитнинг туб мағзини ташкил этадиган маънавий-маданий соҳа билан боғлиқ ўзгаришларнинг кўлами ва залвори ҳам иқтисодиётдан заррача кам эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тошкенти азимнинг диний-маънавий қалби Ҳазрати Имом ҳудудида бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази Янги Ўзбекистоннинг сийрати – маънавий камолотига хизмат қиладиган ана шундай муассасаларнинг гултожи бўлади дейишга арзирли лойиҳадир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказ қурилишига такрор ва такрор ташрифлари, жумладан, муборак жума куни амалга оширилган навбатдаги ишчи зиёрати ҳам ана шундан далолат беради.

Айтиш жоизки, Марказ нафақат юртимиз, балки ундан-да кенгроқ кўламларда илму ирфон нурини тарқатиш билан шуғулланувчи зиё маскани бўлиши назарда тутилган. Навбатдаги ташриф чоғида Президент томонидан ушбу муассасанинг нафақат ўтмишимизни ўрганишдаги роли, балки унинг юртимиздаги янги юксалиш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворидаги тамал тоши сифатидаги ўрни ҳақидаги қимматли фикрлар билдирилди. Улардан Ислом цивилизацияси маркази, энг аввало, том маънодаги ўзлигимизни англаш учун хизмат қиладиган муассаса сифатида барпо этилаётгани, ҳақли равишда фахрлананаётган буюк ўтмишимизнинг барча қирраларини ўзида мужассам этган, юртимизнинг кўҳна ва улуғвор тарихи ҳамда халқимизнинг бой ва серқирра маданияти ҳужжат-далилларини ўзида жамулжам этган муаззам маскан бўлиши лозимлиги ҳақидаги мантиқий хулоса чиқади. Халқимизнинг онгу шуурига кўрсатаётган таъсир кучидан ташқари, бундай ҳужжатлар Янги Ўзбекистон халқаро мақомининг юксалишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Ислом цивилизацияси маркази каби, ҳеч бир муболағасиз, эллик-юз йилда бир марта амалга ошириладиган лойиҳалардан кўзланган улкан мақсадларни тўлақонли амалга оширишда зиёлилар алоҳида роль ўйнаши мантиқий. Бино этилаётган Марказ ҳақида гапирганда, ундан кутилаётган натижа – асрлар давомида диёримизда эришилган оламшумул ютуқлар моҳиятини асл манбаларга суянган ҳолда очиб бериш, миллий ғуруримиз сарчашмалари бўлган аллома бобокалонларимиз меросидан янада кенгроқ баҳраманд бўлиш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик, эзгулик ва халқчилликка йўғрилган моҳиятини кенг омма, айниқса, ёшларга илмий асосланган тарзда тушунтириб бериш ва ана шу асосда, янги миллий юксалиш муҳитини шакллантириш оммавий сафарбарликни тақозо этадиган улкан режа эканини таъкидлаш лозим. Бундай режа ижросини таъминлашда зиёлилар етакчилик қилиши лозимлиги ўз-ўзидан тушунарли. Шунинг учун ҳам Президентимиз “биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда зиёлиларимизга катта ишонч билан қараймиз” деган эдилар.

Бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази олдида турган вазифаларнинг ижроси уни юксак салоҳиятли кадрлар билан таъминлашни долзарб заруратга айлантиради. Чунки марказ фаолиятининг асосий йўналиши кенг омма билан бевосита мулоқотдир. Ана шу фаолиятнинг самараси унинг амалий механизми бўлган гидлар, яъни марказ, жумладан, унинг таркибидаги ислом санъати музейига ташриф буюрувчиларга ҳамроҳлик қилувчи профессионал ходимларнинг малакасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Марказ фаолияти йўналишлари доирасида бу масалага ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Бўлажак ходимларнинг турли илмий йўналишларга ихтисослашган билимдон мутахассислардан иборат бўлиши Марказ муваффақиятининг кафолатларидан биридир. Ушбу муассаса учун кадрлар тайёрлаш билан шуғулланаётган олийгоҳлардан бири – Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ишлаётган педагог сифатида айтишим мумкинки, ёшларимизнинг бу даргоҳга интилиши, унда ишлашга бўлган иштиёқи баланд. Уларнинг магистратура ва докторантура босқичларидаги таҳсили Марказда ташкил этилиши айни муддао бўлади. Зеро, бу назарий таҳсил ва амалиётни биргаликда ташкил этишнинг энг самарали йўлларидан биридир. Бугун академияда таҳсил олаётган ёшлар орасида икки ва ундан ортиқ хорижий тилларни яхши биладиган, халқимизга хос гўзал фазилатларни ўзига чуқур сингдирган зиёли ўғил-қизларимизнинг бисёрлиги Президентимизнинг Марказ истиқболи билан боғлиқ умидлари албатта ушалишидан дарак бермоқда.

Ўрни келганда айтиш лозимки, Ислом цивилизацияси маркази нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ўхшаши йўқ кўп профилли илмий-маданий-маърифий муассаса шаклида бунёд этилмоқда. У кенг оммага мўлжалланган маънавий-маърифий фаолиятдан ташқари, қадимий тарихимиз ва серқирра маданиятимизнинг сарчашмалари бўлган асл манбаларни илмий ўрганиш, ислом ва ижтимоий-гуманитар илмлар билан бир қаторда, аниқ ва табиий фанларга оид нодир манбаларни жамлаш ва тадқиқ этиш, уларни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга бешикаст етказиш, бундай манбаларнинг замонавий нашрларини амалга ошириш, ҳам мамлакатимизда, ҳам халқаро миқёсда оммалаштириш билан шуғулланади. У кенг маънодаги ислом цивилизациясининг мазмун-моҳиятини, энг аввало, муқаддас динимизнинг инсонпарвар моҳиятини ўзида мужассам этган ва тарғиб қиладиган илмий нашрларни амалга ошириш, ҳам маҳаллий, ҳам халқаро кўламдаги илмий анжуманларни ўтказиш каби серқирра фаолият олиб боради. Қиёслаш жоиз бўлса, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази яқин келажакда Франциядаги Лувр, Англиядаги Британия музейлари, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж каби оламшумул аҳамиятга молик илмий-маданий муассасалар қаторига қўшилади. Демак, у асрлар давомида фаолият кўрсатади. Навбатдаги ташриф жараёнида Президентимиз томонидан билдирилган мулоҳаза ва тавсиялар айнан ана шундай юксак марраларга қаратилганидан ҳар қандай зиёли бениҳоя таъсирланиши табиий.

Ислом цивилизацияси марказининг бош вазифаси, шубҳасиз, динимиздан озиқланган миллий қадриятларимиз устуворлиги шароитида тарихий Мовароуннаҳр, яъни бугунги Ўзбекистон ҳудудида шаклланган кенг маънодаги серқирра ислом маданиятининг бунёдкор моҳиятини жамоатчиликка очиб беришдир. Бу, онда-сонда бўлса ҳам учраб турадиган, динимиз моҳиятини янглиш тушуниш туфайли келиб чиқаётган айрим муаммоларнинг ечимига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Маълумки, ҳар қандай халқ ёки миллат, агар у том маънодаги халқ ёки миллат даражасига кўтарилган бўлса, албатта, ўзининг ўтмиши ҳақидаги билимлар захирасини бойитишга ҳаракат қилади. Бу – худдики, ҳар бир онгли инсон етти пуштини билишга интилгани каби гап. Ислом цивилизацияси маркази ана шундай умуммиллий кўламли хазинагоҳ бўлиши назарда тутилаётгани билан ҳам маърифатпарвар зиёлилар, жумладан, илмга ташна ёшларнинг эътибор марказини эгаллаб бормоқда.

Бугун мамлакатимизда кечаётган жараёнларда мазмун-моҳиятини Биринчи ва Иккинчи Ренессансларга хос бўлган қатор белгилар ўзини тобора яққолроқ намоён қилиб бораётган белгилар ташкил этмоқда. Уларнинг қаторига юртимизнинг ўрта асрлардаги каби нуфузли илмий-маданий мақомини тиклаш, миллий олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини илғор халқаро талаблар даражасига кўтариш, ёшларни бугунги тараққиёт тақозо қилаётган том маънодаги тадқиқотчи-мутахассисларга айлантириш, қадимий илдизларимиз сарчашмаларини тадқиқ этиш усулларини замонавийлаштириш ва такомиллаштириш, ёш авлоднинг бунёдкорлик жараёнларидаги иштирокини кучайтириш, юрт равнақи ва турмуш фаровонлигини оширишни кўзлаган ишларни киритиш мумкин.

Президентимизнинг Ислом цивилизацияси марказига қилган навбатдаги ташрифидан, назаримда, яна бир мантиқий хулоса келиб чиқади. Халқаро жамоатчилик биз ҳақимиздаги маълумотларни бошқалардан эмас, ўзимиздан олгани афзалроқ. Шукурки, юртимизда яратилаётган беназир муҳит ва қулай шароит олимлар, айниқса, Янги Ўзбекистонда тарбияланаётган умидли ёшларга ушбу орзуни амалга ошириш имконини бермоқда. Айтиш лозимки, арабларга – араб тилида, туркларга – турк тилида, Ғарб ва Шарқнинг бошқа ўлкаларида тарқалган халқаро мулоқот тилларида маърузалар қилиш салоҳиятига эга олимларимизнинг сони ҳам мунтазам ошиб бормоқда. Президент ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилаётган Ислом цивилизацияси маркази албатта дунё олимлари билан қизғин илмий ҳамкорлик қилади. Демакки, у юртимизнинг ибратли ўтмиши, бунёдкорликка йўғрилган бугуни ва умидбахш келажаги ҳақидаги режалар билан халқаро жамоатчиликни таништиришнинг таъсирчан механизмларидан бири бўлади.

Тарих – буюк муаллим. Унинг дарслари асрлар тажрибаси билан синалган. Дунё тарихининг ибратли сабоқларидан бири шуки, турли даврлар ва юртларда кузатилган юксалишларнинг ўз етакчилари бўлган. Уларнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари ҳосиласи бўлган фундаментал режалар кенг омма томонидан қўллаб-қувватланган юртлар ва миллатлар тарихида туб бурилишлар содир бўлган. Бундан чиқадиган мантиқий хулоса – халқимиз тақдирини унинг шонли ўтмиши ва умидбахш келажагига уйғун тарзда ўзгартириб бораётган бугунги бунёдкор ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари сафида бўлиш Учинчи Ренессанс муваффақиятининг асосий кафолатидир. Мамлакатимиз етакчисининг Ислом цивилизацияси марказига қилган навбатдаги ишчи ташрифидан ҳосил бўлган умумий таассурот ушбу муассасанинг Янги Ўзбекистон сурати ва сийратининг уйғунлиги рамзига айланиб бораётгани ҳақидаги ишончдир.

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ




**Давлатимиз раҳбари фуқароларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш учун ҳар қанча маблағ зарур бўлса, ипотека кредитлари ажратилишига йўл очиб бермоқда.**

**Бу борада айниқса, турар жойлар қурилиши биринчи навбатда назарда тутиляпти. Айни пайтда уй-жой учун субсидия олиш тартибини ҳамма ҳам чуқур билавермаслиги мумкин. Шу сабабли бу бўйича тартиб-қоидалар қандай бўлишини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

### СУБСИДИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Субсидия олишни мақсад қилган киши 18 ёшга тўлган бўлиши ва у ариза билан мурожаат қилиши керак. Шунингдек, субсидия даромади кам бўлган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга ижтимоий мезонлар асосида берилади.

### ДАРОМАДИ ЮҚОРИ БЎЛМАГАНЛАР КИМЛАР?

Даромади юқори бўлмаган оила, деб қуйидагилар эътироф этилади: қишлоқларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан (2 млн 466 минг сўм) 6,9 бараваригача (5 млн 671 минг 800 сўмгача);

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан (2 млн 466 минг сўм) 8 бараваригача (6 млн 576 минг сўмгача);

Тошкент шаҳрида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 бараваридан (2 млн 466 минг сўм) 9,2 бараваригача (7 млн 562 минг 400 сўмгача) бўлган оилалар.

### ИПОТЕКА КРЕДИТИНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Жорий йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – 327 млн 250 минг сўм;

Тошкент шаҳрида – 416 млн 500 минг сўм.

### КРЕДИТНИНГ ФОИЗ СТАВКАСИ ҚАНЧА, УНИНГ ҚАНЧАСИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ?

Ипотека кредитлари бозор шартлари асосида белгиланадиган фоиз ставкаларида ажратилади.

Субсидиялар квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун – 32 миллион сўм;

кредит бўйича фоизнинг бир қисмини қоплаш учун – биринчи 5 йилда 10 фоиздан ошган қисмига тўланади.

### СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Субсидия олиш учун исталган туман-шаҳар Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (my.gov.uz) рўйхатдан ўтиш керак.

### ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЗИМ БЎЛАДИ?

Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари, оила аъзоларининг шахсий идентификация рақами, маълумотлари ва никоҳ гувоҳномаси, фарзандлар туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар нусхалари, никоҳ бекор қилинганига оид ҳужжатлар ёки оилавий ҳолати тўғрисида ФҲДЁ органлари архивидан маълумотнома, доимий рўйхатга олинган жойидан кадастр рақами ва турига тегишли маълумотлар, доимий яшаш жойидан уй дафтарининг ёки квартиралар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси, ариза берувчи ҳамда биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлари тўғрисидаги маълумотнома сингарилар шулар жумласидандир.

**Ўз мухбиримиз.**

## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**Апрель ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Шихназар Атаджанов,** Қурилиш соҳасида давлат харидларини методологик таъминлаш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Рустам Курганбаев,**

Бухоро вилояти, Ромитан тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Азамат Файзиев,**

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга риоя қилиш устидан назорат бўлими етакчи мутахассиси **Зокиржон Икрамов,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармасидаги “Архитектура-режалаштириш бюроси” УК қоровули **Низомиддин Бобоев,**

“Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Сурхондарё вилояти филиалининг кадрлар бўйича инспектори **Дилноза Алламуродова,** етакчи мутахассис **Баҳодир Соатмуродов,**

Тошкент вилояти, Бекобод тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиш назорати бўйича архитектор **Нодиржон Ортиқов,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали бош бухгалтери **Зарина Алоева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

Газетанинг навбатдаги сони 2022 йил 19 апрель куни чиқади.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:**
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-443.
2239 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.

**Навбатчи** – Р. Хўжаева.

ЎзА якуни – 23.04.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6